



“ДЕВОНИ ЛУҒОТИТ ТУРК”ДА ЛИНГВОМАДАНИЙ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Мусаев Исомиддин Саидович

Узбекский государственный университет физической культуры и спорта. Старший преподаватель кафедры узбекского и иностранных языков

Аннотация: Кўплаб тадқиқотларда таъкидланганидек, лингвомаданиятишунослик тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлган тил ва маданият унинг предметини ташкил этади. Лингвомаданий ёндашувдаги тадқиқотлар ўзбек тилишунослигида оҳирги йигирма йилликларда пайдо бўла бошлади. XXI аср бошига келиб лингвомаданиятишунослик жаҳон тилишунослигида етакчи йўналишлардан бирига айланиб улгурди. Лингвомаданиятишунослик тилда ва дискурсда ўз аксини топган ҳамда мустаҳкамланган халқ маданиятини ўрганади. У биринчи навбатда, муайян маданиятнинг миф, афсона, урф-одат, анъана, удум, таомил, рамзларини тадқиқ этади. Мазкур концептлар маданиятга тааллуқли бўлиб, улар тилда маиший ва таомил муомаласи шаклида мустаҳкамланади. Мақолада Маҳмуд Кошғарийнинг Девону луғатит-турк асаридаги айрим лексик birlikларнинг лингвомаданий хусусиятлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Маҳмуд Кошғарий, Девону луғатит-турк, лингвомаданиятишунослик, лингвомаданий, рамзлар, лексема.

Ўзбек тилининг муҳим тарихий босқичи бўлган эски туркий тилни лингвомаданият соҳаси сифатида ўрганиш, бу давр тилини миллий тил призмаси, орқали ўзига хос тарзда кўриб чиқишда адиб ва олим Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асари муҳим илмий-бадиий манба бўлиб хизмат қилади. “Девону луғатит-турк” асари ёзилган даврдан бери халқнинг менталитетида, ижтимоий онгда, шу билан бирга, тилимизнинг белгилар тизимида, лексик қатламларида турли ўзгаришлар юзага келди. Шу туфайли асар яратилган замон билан давримиз орасида юз берган ижтимоий ва лисоний ўзгаришларни бир-биридан айирмаган ҳолда лингвомаданий жиҳатдан кўриб чиқиш муҳим тадқиқ ва таҳлил иш бўлади.

XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Туркиядан топилган бу асар илмий жиҳатдан алоҳида қийматга эга бўлиб, жаҳон олимларининг эътиборини тортиб келмоқда. Бу асарни ҳар томонлама тадқиқ қилиш туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқининг тарихи этнографияси, тили, адабий мероси – маданиятини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Асарда туркий халқлар ижтимоий-маданий ҳаётида кенг қўлланадиган лексемалар, бирикмалар, мақол, маталлар берилган бўлиб, улар маданиятшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан ҳали чуқур ўрганилмагандир. “Девону луғотит турк”даги турли истилоҳларнинг қандай маънода ишлатилаётганини кўрсатиб бериш орқали Маҳмуд Кошғарий, жаҳон атамашунослигига улкан ҳисса қўшган, деб айта оламиз. Шу билан бирга Маҳмуд Кошғарий ишлатган атамаларнинг маъноларини



аниқлаш “Девону луғотит турк”дан кейинги тилшуносликка оид асарларнинг илмий даражасини белгилаш учун мезон бўлади. Маҳмуд Кошғарий луғатида қўлланган кўпгина атамалар Мирзо Маҳдийхоннинг “Санглох” асарида ҳам айна маънода қайд этилган. Таъкидлаш жоизки, баъзи лексемаларнинг маъноси айрим асарлардаги қўлланиши Маҳмуд Кошғарий қўллаган маънога мос келмайди. Масалан, “Бобурнома” асарида “қарши” лексемаси Чингизхон замони билан боғланган. Маҳмуд Кошғарийда эса “қарши”ни сарой маъносида деб изоҳлайди. Мана шулар ҳисобга олинса, Маҳмуд Кошғарий қўллаган ўша давр туркийлари ижтимоий-маиший ҳаёти билан боғлиқ атамаларнинг мазмунини аниқлаш қанчалик долзарб муаммо эканлиги маълум бўлади. Шунга кўра, асарни тилшунослик ва маданиятшуносликнинг барча жиҳатлари билан кенг миқёсда ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим.

Маҳмуд Кошғарий ва унинг илмий мероси, алломанинг шахсияти, ҳаёти ва ижоди ҳақидаги бирламчи маълумот унинг “Девону луғотит турк” асарида учрайди. Бу ҳақда шарқшунос олимлар О.Пирцак, М.Хартман, З.В.Тўған, Ҳ.Ҳасанов мақолалари мавжуд бўлиб, булардаги фикрлар А.Н.Кононовнинг Маҳмуд Кошғарий ва унинг ижодига бағишланган махсус мақоласида ўз ифодасини топган. [Кононов, 1973, -С.3-9] Аллома ўзини асари муқаддимасида “Маҳмуд ибн ул Ҳусайни ибн Муҳаммад” деб атаган бундан кўриниб турибдики, унинг отасининг исми Ҳусайн, бобоси Муҳаммад деган хулосага келамиз. Маҳмуд Кошғарийнинг отаси Барсхонлик бўлиб, кейинчалик Кошғарга кўчган шу сабабдан унинг нисбаси “Кошғарий” яъни “Кошғарлик” ва бу билан Кошғарда туғилгани ҳақида маълумот олишимиз мумкин. Ҳозиргача туркийшунос олимнинг туғилган ва вафот этган вақти аниқ маълум эмас, луғатнинг эса қаерда ва қайси вақтда ёзилгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Аммо борада турли фикр ва мулоҳазалар мавжуд. О.Прицакнинг ҳисобига кўра Кошғарий милоднинг 1029-1038 йиллари орасида туғилган. Луғатни 1072 йилдан бошлаб, 1078 йилда тугатган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Турк шаҳарларини Сомонийлардан қўлга олган боболаримиз”, деганига асосланиб, О.Прицак аллома ҳақида қуйидаги фикрларга келади: Маҳмуд Кошғарий Қорахонийлар сулоласига мансуб бўлган. Маҳмуд Кошғарийнинг аجدодларидан бири Буғраҳон номи билан маълум бўлган Хорун ал-Ҳасан ибн Сулаймон бўлиши мумкин. У биринчи бўлиб, Мовороуннаҳрни забт этган ва Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухорони истило қилган ва Қорахонийлар сулоласига асос солган. Маҳмуд Кошғарийнинг Қорахонийлар авлодидан бўлганлиги унинг ўша даврдаги билимларни пухта эгаллашига яхши шароит яратган. Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш бўйича А.Н.Кононовнинг қатор мақолалари муҳим аҳамиятга эга. Олим «Девон» ёзилганлигининг 900 йиллиги муносабати билан Фарғонада ўтказилган анжуманда «Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девону луғотит турк» асари» мавзусида маъруза қилган. [Кононов, 1973, –С.3-9]

Кўплаб илмий адабиётларда Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”ни ёзиш мақсадида бутун туркий халқлар тили ва маданиятини илмий равишда ўрганганлиги ҳақидаги маълумотларга дуч келамиз. Чунончи муқаддимада қуйидагича қайдлар бор: “Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигалайлар, яғмо, қирғизларнинг жонли тилини



зеҳнимга жойладим. Узоқ ўрганиш ва изланишлардан сўнг мана шу китобни жозибадор қилиб, энг тушунарли тилда ёздим”. [Муталлибов, 1967]

Маданиятнинг муҳим хазинаси бўлган ривоятлардан мисоллар келтириш орқали тил ва маданиятни тушунтириб берди, бу билан ҳам туркий маданият ва эътиқодларни арабларга танитди, ҳам диққатни тортди ва сўзларнинг яхши тушунилишини таъминлади. Ушбу асар илк филологик тадқиқот ва туркий сўзлар этимологияси келтирилган биринчи қиёсий луғатдир. Айти пайтда бу асарни фақат луғат деб ҳисоблаш нотўғри, унда Марказий Осиё халқларининг халқ оғзаки ижоди намуналарига хос кўплаб ноёб маълумотларни кузатамиз. “Девони луғатит турк” асарини яратиш учун Маҳмуд Кошғарий туркий қабилалар яшайдиган кўплаб шаҳарлар ва қишлоқларни кезиб чиққан. 14 йиллик (тахминан 1057 йилдан 1071 йилгача) сафари давомида кенг кўламли тарихий материалларни тўплади. Буюк олим ўз китобида 6800 дан зиёд туркий сўзни гуруҳлаштирди, (110 ҳудуд, кўл ва дарё, 40 элат ва қabila номлари), туркий тилда изоҳлар келтирди. Китобдан 242 та шеър, 262 та мақол ва матал ўрин олган. Ҳайратланарлиси шундаки, у қўллаган 875 та сўз, 60 та мақол ва матал бирон-бир ўзгаришсиз замонавий туркий тилимизга кириб келган.

Туркийлар ижтимоий-маданий ҳаётининг энг муҳим хазиналаридан бири бўлган бу асар қомусий луғат ҳисобланади. Қолаверса, асарни ёзишдан мақсад турк тилининг араб тили каби бой эканлигини кўрсатиш ва турклар ҳукмронлик қилган жойларда туркий тилини ўрганмоқчи бўлганларга ёрдам беришдир. Бинобарин, китоб ёзилаётган даврда туркий тилда мавжуд сўзлар ҳам туркий жумлаларда қўллаш, ҳам қомусий маълумотлар бериш орқали араб тилида изоҳланади. “Девони луғотит-турк” ушбу изоҳлари билан турк маданияти, тарихи, географияси, этнологияси, мифологияси, халқ оғзаки ижоди, тили ва адабиёти ҳақида маълумот берувчи йирик энциклопедияга айланди. Асар адабий намуналарга ўрин бериш жиҳатидан адабий антология хусусиятига эга бўлди. Шунингдек, “турк маданиятига оид кўплаб материаллар мавжуд бўлганлиги учун бу асар туркологияга асос солганлиги эътироф этилди”. [Ülkütaşır, 1972, -Б. 37.]

Маълумки, “«инсон» концептосфераси билиш бирлиги сифатида барча тиллар ва маданиятлар соҳиблари учун универсал ҳодисадир”. [Бойназаров, 2020, –Б.14] “Девону луғатит-турк”да тасвирланган “инсон” концептосфераси хусусида ҳам ана шундай мулоҳаза юритиш мумкин. Жумладан, “Девону луғатит-турк” асаридаги инсон маъносида қўлланадиган эр, киши концептлари эркак, эр, аёл, бола, уй, оила, қариндошлик, инсон характери, ижтимоий-руҳий, руҳий-физиологик ҳолатига хос белгилар ва уларни ифодаловчи бирликлар каби компонентларда ўз концептосферасини ташкиллаштиради. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асаридаги “инсон” тушунчасини ифодаловчи эр, киши концептларининг изоҳлари баён қилинганда, бу тушунчаларнинг ўша давр тилидаги концептуал майдондаги маънолари келиб чиқади ва уларни қуйидаги тоифаларда кўриш мумкин: Маиший тушунчалар (уй-турар жой, хўжалик, анжомлар, егулик, байрам, меҳмондорчилик, дам олиш); қариндошлик алоқалари (никоҳ, фарзанд, қариндош, авлод); инсоннинг жисмоний, психофизиологик, психологик тавсифи (бадан, соғлиқ,



қобилият, юмор, самимийлик); ҳис-туғғулар (қувонч-шодлик, муҳаббат, ғам-андух, кўркув, ғазаб, нафрат); моддий, ижтимоий, маънавий, маданий тушунчалар (моддий ноз-неъматлар, меҳнат, билим, дўстлик, мардлик, этика, эстетика, она тили, этикод, инсонпарварлик); замон ва макон категориялари (ёш, туғғилиш, ўлим, ўтмиш, келажак).

“Девону луғатит-турк”дан жой олган халқ оғзаки ижоди намуналари орасида лирик шеърлар сони 30 га яқин ва уларда васф, айрилик, мурожаат асосий етакчилик қилади. Асарда келтирилган лирик кўшиқларга хос яна бир хусусият шуки, уларда меҳнатқаш халқга хос камтаринлик, поклик, кўнгилларнинг беғуборлиги, самимийлик аниқ акс этади. Лирик шеърларда ошиқнинг орзу-истаклари, ўй-фикрлари, лирик кечинмалар ҳақидаги тафсилотлар юксак бадиий талқинда ўз ифодасини топган. “Девону луғатит-турк”даги лирик шеърлар кейинги давр туркий адабиётига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказган.

Лирик кўшиқлар туркий халқлар эстетик дидининг нечоғлиқ бой экани, уларнинг азалдан сўз санъатига алоҳида меҳр билан қарагани, бадиий тўқимада ўз даврининг энг илдам халқлари билан беллаша олиш даражасида адабий заҳирага эга эканини намойиш этади. Шунингдек, ушбу кўшиқларда туркий халқларнинг бадиий тафаккури ҳам намоеён бўлади. Бу эса ушбу халқнинг поетик таҳайюли бевосита ушбу этнос ўхшатиш, истиораларида ўз аксини топади. Бизгача етиб келган манбалар ичида маъшуқа юзининг Ойга ўхшатилиши илк бор “Девону луғатит-турк”даги парчаларда учрайди. Мисол учун: Tolun ayın yüzi, [Кошғарий, 1960, – Б.40]

Шеърлий парчани ҳозирги ўзбек тилига қуйидагича ўгириш мумкин: Тўлин ой каби юзи.

“Замон қайтарилмас, такрорланмаслик белгисига эга. Ҳар қандай моддий жараён бир йўналишда ўтмишдан келажакка қараб ривожланиб боради”. [Философский словарь, 1991. –С.75] “Девон”даги яна муҳим қайдлардан бири эски туркий тилда вақтни бевосита атовчи ва вақтга алоқадор предмет, воқеа-ҳодисаларни номловчи лексемалар ҳақида бой маълумотлар мавжудлигидир. “Девон”да фасл номларини ифодаловчи лексемалари тилга олинадик, уларнинг номланиши бевосита қадим туркийларнинг табиат, мавсумий об-ҳаво ва бу жараёндан келиб чиқиб, ҳаракатланиши, меҳнат қилиши билан боғлиқдир. Яй (Яз) – ёз. [Кошғарий, 2017, - Б.141] Бу сўз “яй” феълидан келиб чиққан. Табиат уйғонишидан то хазонрезги даврлари оралиқ муддатини ифодалайди. Куз – куз, куз фасли. [Кошғарий, 2017, - Б.135] Бу сўз хазонрезги мавсуми сифатида баҳоланади. Қиш – қиш фасли; Қиш конуқи от – қишнинг зийнати ўт, оловдир. [Кошғарий, 2017, -Б.136] Қадимги туркийларда бир йил тўрт фаслга ажралади. Булардан яз сўзи ҳозир истеъмолдан чиққан, ўрнида “кўклам”, “баҳор” сўзларини ишлатамиз. “Ёз”ни билдирувчи яй сўзида товуш ўзгариши юз бериб, язга айланган. Шунга қарамай, уларнинг қолдиқлари айрим сўзларимизда учраб туради. Масалан, болалар кўшиғида кечган “Лайлак келди, яз болди” жумласидаги яз сўзи “кўклам, баҳор”ни билдиради. Ёки ҳозирги “яйлаш” сўзининг ўзаги яй (ёз) билан боғлиқ: яй+ла+ғ/w –“яйлов, ёзни ўтказадиган, ёзлайдиган жой”. Қиёсланг: қйла+қ – “қишлоқ, қишни ўтказадиган, қишлайдиган



жой”. Ҳозир биз қўллаётган яйлау, кўшлак сўзлари тарихан кишда кишлоқларга кўчиб келиб, ёзда эса яйловга чиқиб кун кечирувчи чорвачилар ҳаёти билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Қадимги тақвимга кўра йил яз (яъни кўклам) билан бошланиб, мавсум кўш билан тугайди. [Содиков, 2009. –Б.236-237]

“Девони луғотит турк”да шунингдек, туркий халқлар урф-одатлари билан боғлиқ қайдлар ҳам аҳамиятлидир. М. Кошғарийнинг бевосита ўзи томонидан тўпланган тарихий маълумотлар турли соҳаларга оид бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида изланишни талаб қилади. Асарни тадқиқ қилар эканмиз, луғатда жамланган сўзлар турли касб-хунар ва тематикани ташкил қилади. Жумладан, М.Кошғарий қадим туркийларнинг пардоз-андози билан боғлиқ лексемалар ҳақида маълумот берар экан, шулар сирасида қадимда туркий аёлларнинг соч ва унинг парвариши ҳақида ҳам тўхталади. Демак, XI асрдаёқ олим аёлларнинг соч ва уни парвариш қилиш, сочдан турли гўзаллик яратиш мумкинлигини қайд қилган. Қадимги туркий халқларда “гўзаллик” тушунчасининг аёлларга нисбат берилганлиги махсус гўзаллик маъбудалари мавжудлиги ва улар гўзал, қахрамон, уддабурон, саришта аёллар киёфасида тасаввур этилгани кузатилади: Умай она (Umay ana), Айзит (Ayızıt), Кўпай хотин (Kübey Hatun) . [Eski Türk Kadınlarında Güzellik, 2018; Türk Mitolojisinde Öne Çıkan 37 Tanrı, Tanrıça ve Figür, 2018)] Шунингдек, жисман ва маънан гўзалликнинг тилдаги қаршилиги “кўркли” ва “кўрклилик” сўзлари билан ифодаланган. “Девону луғатит-турк”даги мақолаларда гўзаллик тушунчаси “урағут, хатин-қадин/қатин/киши” шаклида аёл концепти билан боғлиқ ҳолда ифодаланганини кўриш мумкин. “Девону луғатит-турк”даги гўзаллик концептосферасининг асосий хусусиятларини асардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича изоҳлаш мумкин: Аёлнинг гўзаллигини тавсифловчи жисмоний, психофизиологик ҳолатлар (бўй-баст, юз-бош, кўз-қош, одоб-ахлоқ, муносабатлар); қариндошлик алоқалари (никоҳ, эр, фарзанд, қариндош, авлод); аёлнинг ижтимоий мақоми, безаниш (мурожаат, соғлиқ, ёш, қобилият, юмор, самимийлик); ҳис-туйғулар (қувонч-шодлик, муҳаббат, ғам-андух, кўрқув, ғазаб, нафрат) ва бошқалар.

Маҳмуд Кошғарий соч лексемаси билан боғлиқ бир нечта маълумотларни келтиради. Унда “tara, ör, otur, kesmek, yüli, yul-yolmak, mende-yolmak” феъллари билан ишлатилган. Saç taradı (I), kız saçın taradı (III), saç taraldı (II), ol saç yüludı (III), ol saç ördı (I), ol saç oturdı (I), saç otruldı (I) er saç yülidi (III), saç yülildi (III), er saçın yülitti (II), saç yulundı (III), olanın saçını mendedi (III), saçın kıra mendedi (III), ol anın saçın mindetti (II) ва ҳоказо. Шунингдек, асар тилида соч лексемасидан ясалган феъллар ҳам учрайди: saçlan-saçlanmak; er saçlandı (I); saçlaş-saçtaş-“бир-бирининг сочидан тортди”: ol iki bile saçlaşdı (I). “Девон” тилида соч шакллари қуйидаги сўзда ўз аксини топган: “сочи бор одам”га “saçlığ er” (I).

Ҳатто сочининг қалинлиги булутларга ўхшатиш билан масалан, bulut teg saç “булутдек соч” (I). Соч толаларининг бир-бирининг ичига кириб қоришиб кетиши эса yabaku (III) деб аталган. Жингалак бўлмаган текис соч “sığan saç” (I) деб юритилган. Яна асарнинг бошқа бир жойида бундай сочга suwlan saç (III), яъни, suwlan сўзи suwla

“сувламоқ” феълидан келиб чиққан. Шу тариқа *suwlan saç* “сувга ўхшаган, сув каби окувчи соч” маъносидадир.

Сочнинг сувга менгзатилиши “Ўғузнома” достонида Ўғузхоннинг иккинчи хотини таъриф этилган парчада ҳам учрайди: *anun saçı müren osugi teg* (Таржимаси: Унинг сочи ирмоқдай тўлқинланади), (Ўғузнома, 76). Кўпгина манбаларда Ўғуз туркларининг қадимдан узун сочли бўлганликлари таъкидланади. Фан доктори, профессор Фаррух Сумер ўғузлар сочларини кестирмаганликларини қайд этади. М.Кошғарий таъбири билан айтганда, “*İdinci saç*” “кесилмаган муқаддас соч” маъносини англатади.

“Соч” лексемаси Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон” асарда “сач” шаклида бўлиб (I; 311), қадимги туркий тилда бу от “сач” тарзида талаффуз қилинган; [ДТС, 479] ўзбек тилида эса а унлиси â унлисига алмашган: сач >сâч. [ШР, ЎТЭЛ, 22] Сўзлашув нутқида ва баъзи ўзбек шеваларида бу от “чач” (масалан, маҳаллий Тошкент шаҳри шеvasида “чоч”) тарзида ҳам талаффуз қилинади. Қадимги туркий тил давридан бошлаб, соч сўзи шакл ва мазмунига кўра омоним сўз ҳисобланган. Феъл сифатида сач тарзида талаффуз қилинган. [ГДП, 418; Девон, II, 11; ДТС, 479] Соч лексемасида Ўрхун обидаларидан кейинги даврдаги тарихий матнларида ҳам товуш ва маъно нуқтаи назаридан ҳам фарқлилик кузатилмайди.

Маълумки, мақоллар халқ оғзаки ижодининг ўзига хос ҳодисаси сифатида вужудга келиши ўлароқ халқларнинг маънавий қиёфасини, борлиққа, табиатга бўлган муносабатини ўзида акс эттиради, том маънода халқнинг дунёқарашини акс эттиради. “Девони луғатит турк” асари мана бундан қарийб 1000 йил илгари битилган эса-да, унда келтирилган мақоллар ўз маъно-моҳияти жиҳатидан бугунга қадар туркийлар ижтимоий-маданий ҳаётида хизмат қилиб келади. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит-турк” тадқиқотида дала сафарларида ёзиб олган 268 мақол матнини келтирган. [Madayev, Sobitova, 2010. -Б 37]

Турк жамиятида ота-она, фарзанд-фарзандсизлик каби мавзулар халқ мақолларининг асосий мавзуларидан саналади. “Девони луғатит турк”да ҳам бу мавзудаги мақоллар талайгина. “Муш ўғли мужав туғар” [Кошғарий, 1963. -Б. 22] мақолини биз ҳозирги кунда ҳам “Мушукнинг боласи онасига ўхшаб миёвлайди” [Шомақсудов, Шораҳмедов, 1990, – Б.44.] тарзида қўллаемиз. Ўзликка бевосита алоқадор бўлган насл-насабга эътибор масаласи бу мақолда яққол ўз аксини топган. Бу эса мақолнинг яшовчанлигига хизмат қилган. Шунингдек, “Ата ўғли аттач туғар” [Кошғарий, 1963. –Б. 84] (Ота ўғли хулқда, албатта, отасига ўхшайди) мақолини ҳозирги кунда бошқачароқ тарзда, яъни “От ўрнини той босар” [Mirzayev, Musoqulov, Sarimsoqov, 2005, -Б.160] тарзида қўллашимиз мумкин. Бу мисолда кўриниб турибдики, қадимда қўлланилган мақолнинг маъноси сақланган, аммо шакли ўзгарган. Мақолларда ўша давр туркийларининг чуқур мазмун, меҳнаткаш халқ донолиги, миллий анъана, узоқ асрлик ҳаёт тажрибалари, табиат ва жамият ҳодисалари ҳақидаги фикрлар ихчам ҳолда акс этган.

Шунингдек, “Атаси ачиъ алмила еса, ўғлинин тиши қамар” [Кошғарий, 1963, -Б 360] (Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашар) мақолининг “Онаси қимизак

еса, Қизининг тиши камашар” [Mirzayev, Musoqulov, Sarimsoqov, 2005, -Б.146] тарзидаги варианти ҳозирги кунда кенг қўлланилади. Кўриб турганимиздек, бу мақолда образлар тизимида ўзгариш бўлган. Бу эса мақолнинг маъносига нозиклик берган. Мақолнинг маъноси даставвал отаси қилган иш учун боласи жавоб беради тарзида бўлган, аммо тарихий ҳаётнинг ўзгариши, кадриятларнинг такомили натижасида, образлар тизимида ўзгариш бўлганлигини кўришимиз мумкин. Яъни ҳозирги кунда насл-насабга бўлган эътибор, айниқса, “Онасини кўриб қизини ол” тарзидаги ўзига хос миллий кадриятларнинг шаклланганлиги мақолда ўз аксини топган ва бу эса туркий жамиятда насл-насаб тозаллиги, оилавий кадриятлар масаласига қадимдан жиддий қаралганлигидан далолат беради.

Ота-боболаримиз от чоптирган қадим турк диёрида аجدодларимиз ҳар соҳада етук ва билимли бўлишган. Туркийлар халқ табобати борасида ҳам етук бўлишган. Жумладан, ҳар қандай касалликни, хоҳ у инсон танасида бўлсин хоҳ ҳайвон, табиат туҳфа этган беминнат тўрт унсурдан фойдаланган ҳолда унинг даъвосини кўришга интиланган. Рух ва жисм билан боғлиқ турли касалликлар ва бу касалликка мададкор дори-дармонлари ўзига хос “номлаган”. “Девону луғатит-турк”даги “соғлиқ” концептосферасининг асосий хусусиятларини асардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича изоҳлаш мумкин: жисмоний ва рухий соғлиқ билан боғлиқ ҳолатлар (касалликнинг тури, белгилари, инсон ва ҳайвонга алоқадор умумий касалликлар); мистик ва эмпирик табобатга доир тушунчалар (эски туркий қам/шаман мистик табобати ва XI аср халқ табобатига хос тушунчалар); даво муолажалари, дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналарга доир тушунчалар (“соғлом/касал одам” тушунчаси, дори-тармон, қам, шаман ва табибларнинг даво усуллари ва воситалари, гигиена (тоза-озодаликка)).

Аввало, асарда ҳар қандай касаллик, дард маъносида кем сўзи ишлатилади: кем (кем) – касаллик; at kemländi – от ва бошқа ҳайвонлар касалланди. [Кошғарий, 2017, -Б.138] Касал маъносида sögäl сўзи ишлатилган: sögäl (сўгал) – касал, бемор (ўғузча).[Кошғарий, 2017, -Б.158] от (ўт) – дори, даво; ot içtim – дори ичдим; “табиб” маъносидаги отаси сўзи шу сўздан ясалган. [Кошғарий, 2017, -Б.28] Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ)да ўтнинг 3 ўринда шаклдошлиги берилиб, бу шаклдошларнинг ҳам ўз ички маънолари берилади.

“Девон”да ҳозирги кунда ҳам истеъмолда бўлган эм сўзи учрайди: em (эм) – эм, даво, дори; даволовчига емси дейилиши шундан. [Кошғарий, 2017, -Б.31] ЎТИЛда ушбу сўз айнан учрайди. Шунингдек, асарда яна бир жараён билан боғлиқ ўрин эътиборга молик. isriq (исрик) – исирик; болаларнинг бошига тошадиган яраларни ёки кўз тегишидан даволаганда айтиладиган сўз; (исрикни) тутатилади ва боланинг юзига тутини isriq-isriq (“эй жин, эс-хушингни йўкот”) деб тутатилади. Шунингдек, “Девон”да ilruk сўзи ҳам худди шу маънодаги сўз: ilruk (илрук) – исирик; уш қабиласи тилида. [Кошғарий, 2017, -Б.53] Энг аҳамиятли томони, ушбу халқ тиббий одати ҳозирги бир қанча туркий халқлар, жумладан ўзбекларда мавжуд. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ)да исирикка қуйидагича таъриф берилган: “исirik – исирикдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ёввойи ўт ўсимлик [Таркибида

алкалоидлар бўлиб, халқ табобатида шифобахш восита сифатида турли йўллар билан (жумладан, тутатиб) фойдаланиб келинади]”. ..Исирикни минг дардга даво, деб бекорга айтишмайди (Газетадан).

исирик солмоқ (ёки тутатмоқ): 1. турли микроб (касалик)ларга қарши, дезинфекция мақсадида исирикнинг қуруғини тутатмоқ. Хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш, кунига икки марта исирик тутатиш ҳам мақсадга мувофиқдир (Газетадан); 2. этн. инс-жинсни қочириш, “ёмон кўздан сақлаш” ва ш. к. мақсадда исирик тутатиб, киши боши (атрофи)дан, хона ичида айлантормоқ. Кампир, меҳмонлар чиқиб кетиши билан, суюкли куёвига исирик солди (С. Зуннунова, Гўдак хиди). Шунингдек ЎТИЛда исирик билан боғлиқ исирикдон, исирикчи кабиларга изоҳ берилган. Юқоридаги ЎТИЛда келтирилган таърифлардан исирик солмоқ иборасига берилган иккинчи таъриф айнан “Девон”даги исирик билан деярли бир хил. Бу ўринда туркийларнинг қадим урф-одатларни келажак авлодга бус-бутун ҳолда сақлаб етказишдек маҳорати таҳсинг лойиқ.

Туркий халқларда, шу жумладан, ўзбекларда ўзаро мулоқотда хушмуомала бўлишга, нутқий этикет қоидаларига риоя қилишга катта эътибор қаратилади. Хусусан, қариндош-уруғ, ёт киши, ўзидан улуғ ёки тенгдош ва ҳаттоки кичикларга ҳам ўзига хос эътиборли муносабатда бўлиш халқимиз эътирофида яхши фазилат ҳисобланади. Бу ҳолат нафақат ҳозирги жонли сўзлашув тилимизда, балки тарихий ёзма манбаларда ҳам ўз ифодасига эга. Агар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарига мурожаат қилсак, бунинг қўплаб мисолларини топишимиз мумкин.

«Девон»да муаллиф ёзади: «Siz (siz) – катталарни ҳурматлаш учун «сен» маъносида айтиладиган сўз (чигилча). Аслида, бунинг маъноси «сизлар» демакдир. Кичикларга sen дейилади. Ўғузлар бунинг тескарисини қўллайдилар» [Кошғарий, 2017, -Б.365]; «Senlädi (senladi) ol anı senlädi – у уни сенлади (senlär, senlämäk). Бу (сўз) сен демакдир. Улуғлаш (ҳурматлашни) англатиш учун sizlädi дейилади. Бу siz демакдир. Бу хоқонлар билан сўзлашилганда қўлланиладиган сўз ўрнида келади» [Кошғарий, 2017, -Б.424]; «Sizlättim (sizlattim) – сизлатдим, сизлашга буюрдим, men anı sizlättim – мен унга уни улуғлаб, сизлашга буюрдим». [Кошғарий, 2017, -Б.317]

Асарда egäç (egach) – ўзининг ортиқ зийраклиги билан одамларга худди ўз синглисидек туюлувчи ёш қиз; бу сўз ёш қизларни севиш, эркалаш учун қўлланилади. [Кошғарий, 2017, -Б.35] Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида аёлларнинг ўзаро мурожаатида қўлланилувчи шакл сифатида изоҳланади: Эгачи 1. Бир ота-онадан туғилган қизлардан каттаси (кичигига нисбатан; тарихан ва баъзи шеваларда ўғил укага нисбатан ҳам қўллаган). 2. Аёл кишининг ўзидан катта ёшдаги (шунингдек, ҳурмат юзасидан кичик ёшдаги) аёлга мурожаат шакли. Ҳалима уни туғишган эгачисидай иссиқ қабул қилди. [ЎТИЛ, 5-том. -Б 219] Egäç (egach) сўзи «Девон»да изоҳланган қуйидаги сўзга ё (-ч) эркалаш маъносидаги суффикс қўшиб шаклланган: Egä (ega) – эгачи, опа. Ўғузлар ezä дейдилар.[Кошғарий, 2017, -Б.49] Кўриш мумкинки, эски туркий тил ва ундан қадимги даврда -жон, -ча(м) умуман, эркалаш-кичрайтириш маъносини ё (-ч) суффикси ифодалаган ва бу аффикс фаол бўлган. Жумладан, қуйидаги сўзлар бунга далил: Ulıç (ulich) – болаларни севиб, эркалаб айтилган сўз; Ulıçım – ўғилчам,



кароғим (қарлуқча). [Кошғарий, 2017, -Б.35] Ўғил сўзининг айна даврдаги ўзбек шеваларида ул шакли ҳам мавжуд: ул (чўзиқ у) шв. айн. ўғил. Бежой билдим, тўрам, Ёдгор улингни, Аймоқнинг юртига талаб қилибди. («Ёдгор»). [ЎТИЛ, 5-том. –Б.27] Анаё (anach) — она қиз, яъни ўзининг зийраклиги билан ҳамманинг онасидек бўлиб қолган ёш қиз. Бу сўз қизларни эркалаш учун айтилади. [Кошғарий, 2017, -Б.35] ЎТИЛда ушбу сўзга талаффуз жиҳатдан яқин «онажон» сўзи мавжуд, аммо бу сўзнинг изоҳи «Девон»дагидан биров фарқлидир: онажон эркл. Онаси ёки кекса аёлни севиб, эркалатиб, уни жуда яқин олиб мурожаат этиш шакли. Элмурод, кампирнинг самимий муомаласини кўриб. [ЎТИЛ, III: 126] Айтиш мумкинки, туркий халқлар учун ўзаро ҳурмат, суйиб сўзлаш қадимданок яқдил тушунчалардир. Кўриш мумкинки, тилимизининг дастлабки тарихий тараққиёти давомида қариндошлик лексемаларига қўшилиб эркалаш, кичрайтиш, ҳурмат маъносини ифодалайдиган махсус қўшимча шакллар ушбу тилда мавжуд бўлган. Шунингдек, аввал мурожаат бирликлари бўлган лексемалар кейинги даврларда қариндошлик аҳамиятини касб этган.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит-турк” асарида туркий тилнинг мавқеи тўғрисида шундай дейилади: “Ишончли бир бухоролик олимдан ва нишопурлик бошқа бир ишончли олимдан шундай эшитган эдим, улар бу сўзни пайғамбарга нисбат бериб айтган эдилар: пайғамбар қиёматнинг белгилари, охирзамон фитналари ва ўғуз туркларининг хуружи ҳақида гапирганда, шундай деган эди: “турк тилини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узок давом этади”.[Кошғарий, 1960, -Б.43-44] Туркий тилнинг Шарқдаги тиллар орасида қадимдан мавқеини белгиловчи бу далил, албатта эътиборга лойиқ. Эътиборга лойиқ томони шундаки, шарқдаги бошқа тилларга нисбатан туркий қавмларга ва уларнинг тилларига алоҳида диққат қаратилган. Бунинг боиси, туркий тилнинг кенг ҳудудга тарқалгани эди. Шунинг учун ҳам бундай эътиборли тилда бадиий асарлар, йилномалар яратилмаслиги мумкин эмас. Қадимги туркий тилнинг ҳолати, тараққиёти тўғрисида асл манбалар кенг ишончли ва тўлақонли маълумотларни беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Madayev O., Sobitova T., “Xalq og‘zaki poetik ijodi”. T., “Sharq”, 2010. 37-б.
2. Mirzayev T., MusoqulovA., SarimsoqovB., “O‘zbekxalqmaqollari”. T.: 2005, 160-б.
3. Mirzayev T., MusoqulovA., SarimsoqovB., “O‘zbekxalqmaqollari”. T.: 2005, 146-б.
4. Musayev I., “Devoni lug‘otit turk”dagi jismoni tarbiya va sport leksemalariga lingvomadaniy nuqtai nazardan yondashuv, "Экономика и социум" №4(95) 2022
5. Ülkütaşır M. Şakir, Büyük Türk Dilcisi Kâşgarlı Mahmut, Türk Dil Kurumu Yayınları, 2. baskı, Ankara, 1972, б. 37.
6. Yuldashev M., Andaniyazova D. Linguopoetics of Zoonims in The Literary Text. Journal of Positive School Psychology. 2022, Vol.6, No.5, 5691-5699.



7. Yuldashev M., Yuldasheva Z. Linguopoetic Features of Repeated Units in Uzbek Folk Epics. Telematique. (Web of Science) Vol 21, No 1 (2022) P.4258–4265.
8. Бойназаров З. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асаарида ифодаланган оламнинг лисоний манзараси. Фил. фан. бўй. (PhD) дисс. автореферати. Самарқанд – 2020. 44. 14-бет
9. Кононов А.Н. Изучение “Дивану лугатит турк” Махмуд Кашгарского в СССР // СТ. – Баку, 1973. № 1. – с.3-9
10. Кошгарий М., “Туркий сўзлар девони“ (Девони луготит турк), III томлик, II том, Т., “УзССР Фанлар академияси“, 1963. 22-б.
11. Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1 том. Тошкент: “Фан”, 1960. – Б. 40
12. Муталлибов С.М. “Дивану лугат ит-турк” Махмуда Кашгарского (перевод, комментарии, исследования). АДД. – Ташкент, 1967.
13. Содиков Қ. Туркий тил тарихи. – Тошкент. 2009. 236-237-б
14. Шомақсудов Ш., Шорахмедов Ш. Ҳикматнома. - Т., 1990. – Б. 44.